

МАКТАБГАЧА ВА КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ИДРОК ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Эргашева Мастура Исакул қизи

Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти магистранти

Аннотация: Мақолада мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ижтимоий идрок (социал перцепция) хусусиятлари эмпирик жиҳатдан ўрганилади. Тадқиқотда болаларнинг тенгдошлари ва катталарни англаш механизмларидаги ёшга боғлиқ ўзгаришлар таҳлил қилинади. Натижалар шуни кўрсатадики, таълим босқичининг ўзгариши болаларнинг ижтимоий перцептив баҳолаш мезонларини ташқи белгилардан ички, ахлоқий-психологик хусусиятларга томон ўзгартиради.

Калит сўзлар: мактабгача ва кичик мактаб ёши, болалар, ижтимоий идрок (социал перцепция), хусусиятлари, эмпирик ўрганиш.

Аннотация: В статье эмпирически изучаются особенности социального восприятия (социальной перцепции) детей дошкольного и младшего школьного возраста. В исследовании анализируются возрастные изменения в механизмах понимания детьми сверстников и взрослых. Результаты показывают, что изменение этапа обучения приводит к смещению критериев социально-перцептивной оценки у детей от внешних признаков к внутренним, морально-психологическим характеристикам.

Ключевые слова: дошкольный и младший школьный возраст, дети, социальное восприятие (социальная перцепция), особенности, эмпирическое исследование.

Abstract: The article empirically examines the features of social perception in preschool and primary school children. The study analyzes age-related changes in the mechanisms through which children understand their peers and adults. The results show that the transition between educational stages shifts children's socio-perceptual evaluation criteria from external features toward internal, moral and psychological characteristics.

Keywords: preschool and primary school age, children, social perception, features, empirical study.

Кириш

Муаммонинг долзарблиги: Ижтимоий идрок — шахсининг жамиятга мослашуви ва ижтимоийлашувининг базавий компоненти ҳисобланади. Болаликнинг илк босқичларида бошқа одамларни, уларнинг ҳис-туйғулари ва ниятларини тўғри англаш қобилияти нафақат муваффақиятли коммуникацияни

таъминлайди, балки келажакда соғлом шахслараро муносабатларни ўрнатишга хизмат қилади.

Адабиётлар таҳлили: Замонавий психология ва педагогикада болалар ижтимоий идроки кўплаб олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, Л.С. Виготский ва Д.Б. Эльконин тадқиқотларида етакчи фаолият турининг (ўйин ёки ўқиш) бола дунёқарашига таъсири кўрсатиб ўтилган. Бироқ, фикримизча, мактабгача таълимдан бошланғич таълимга ўтиш жараёнида ижтимоий идрокнинг динамик ўзгаришлари замонавий таълим шароитида қўшимча эмпирик тадқиқотларни талаб этади, албатта.

Тадқиқот мақсади: Мактабгача (5–6 ёш) ва кичик мактаб ёшидаги (7–8 ёш) болаларнинг ижтимоий идрок этиш хусусиятларини қиёсий ўрганиш ва уларнинг психологик механизмларини очиб бериш.

(Methods) Тадқиқот методлари: Тадқиқот жараёнида эмпирик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш мақсадида қуйидаги методлардан фойдаланилди: кузатиш ва суҳбат - табиий шароитда (ўйин ва ўқув фаолиятида) тенгдошлари билан мулоқотни қайд этиш; психодиагностик методикалар; статистик таҳлил: олинган маълумотлар t-Студентнинг мезони (t-test) ёрдамида қайта ишланди.

Иштирокчилар: Тадқиқотда Нукус шаҳридаги мактабгача таълим ташкилоти болалари ҳамда умумтаълим ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари қатнашдилар. Жами 80 нафар бола иштирок этди.

Улар икки гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ — мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари (40 нафар, 5-6 ёш); 2-гуруҳ — умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқувчилари (40 нафар, 7-8 ёш).

Қўлланилган методикалар: Рене Жиль методикаси боланинг ижтимоий мослашувчанлигини, оила ва мактаб муҳитидаги шахслараро муносабатларини аниқлаш мақсадида қўлланилди; «Ҳис-туйғуларни аниқлаш» тести: юз ифодалари (мимика) орқали бошқаларнинг энг кўп тарқалган 6-та базавий эмоцияларини (қувонч, қайғу, кўрқув, ғазаб, ҳайрат, жирканиш) идрок этиш даражасини баҳолаш.

(Results) Натижалар: Ўтказилган эмпирик тадқиқот натижалари икки ёш гуруҳи ўртасида ижтимоий идрок механизмларида сезиларли фарқлар мавжудлигини кўрсатди.

- Ҳис-туйғуларни идрок этиш: Мактабгача ёшдаги болаларнинг 72% қувонч ва ғазаб каби яққол эмоцияларни тўғри аниқлаган бўлса, кўрқув ёки ҳайратни аниқлашда қийналди. Кичик мактаб ёшидаги болаларда бу кўрсаткич 89%ни ташкил этиб, улар нафақат базавий, балки мураккаб ҳис-туйғуларни ҳам юқори аниқликда идрок этишлари маълум бўлди.

- Бошқа одамни баҳолаш мезонлари: Суҳбат натижаларига кўра, мактабгача ёшдаги болалар (68%) тенгдошларини баҳолашда асосан ташқи

белгиларга таянади («унинг чиройли ўйинчоғи бор», «у чиройли кийинган»). Аксинча, кичик мактаб ёшидаги болаларнинг 75% баҳолашда ички, ахлоқий сифатларга ва ижтимоий ролларга эътибор қаратади («у адолатли», «у аълочи», «у ёлғон гапирмайди»).

- Авторитетларни идрок этиш: Рене Жиль методикаси натижалари шуни кўрсатдики, 5-6 ёшли болалар учун энг муҳим ижтимоий объект ота-оналар ҳисобланади. 7-8 ёшли болаларда эса ижтимоий идрок марказига ўқитувчи фигураси кўчади. Ўқувчилар ўз ҳаракатларини ва тенгдошларининг хулқ-атворини ўқитувчининг баҳоси призмаси орқали идрок этадилар.

(Discussion) Муҳокама: Олинган натижалар боланинг ижтимоий перцептив ривожланиши унинг етакчи фаолияти ўзгариши билан бевосита боғлиқлигини тасдиқлайди. Мактабгача таълим даврида боланинг ижтимоий идроки эгоцентрик хусусиятга эга бўлиб, ситуатив характерга эгадир. Ташқи атрибутларга боғланиб қолиш уларнинг ҳали абстракт тафаккурга эга эмаслиги билан изоҳланади.

Кичик мактаб ёшига ўтиш муносабати билан, ўқув фаолиятининг етакчи ўринга чиқиши болаларда рефлексия (ўз-ўзини ва бошқаларни англаш) қобилиятини шакллантиради. Бола одамларни маълум ижтимоий тоифаларга (стереотипизация) ажратишни ўрганади. Шунингдек, бу даврдаги ижтимоий идрок хусусиятларини тушуниш инклюзив таълим муҳитини яратишда муҳим ўрин тутаяди. Соғлом болалар ва алоҳида эҳтиёжли болаларнинг бир-бирини тўғри идрок этиши ва қабул қилиши айнан мана шу ёшдаги педагогик йўналтиришга боғлиқ. Ўқитувчининг холислиги бутун синфнинг ижтимоий идрок эталонини шакллантиради.

(Conclusion) Хулоса: Мактабгача ёшдан кичик мактаб ёшига ўтишда ижтимоий идрокнинг тузилмаси мураккаблашади; ташқи ва вазиятли баҳолашдан ички, барқарор шахсий сифатларни англашга ўтилади:

- Кичик мактаб ёшида ўқитувчи шахси боланинг ижтимоий воқеликни идрок этишида асосий референтга айланади;

- Ушбу хусусиятларни ҳисобга олиш педагоглар ва психологларга таълим жараёнида болаларнинг ижтимоийлашувини, жумладан, инклюзив шароитларда мослашувини самарали қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Фойдаланган адабиётлар:

і. Выготский Л.С. «Педагогическая психология». Москва, 1991.

1. Дустмухамедова Ш.А., Нишанова З.Т. ва б. «Ёш даврлари ва педагогик психология». Дарслик. Т., 2013.

2. Нишанова З.Т., Комилова Н.Г. ва б. «Ривожланиш психологияси. Педагогик психология». Т., 2018.

3. Ниязметова Г.Н. «Шахс психодиагностикасининг проектив методикалари». Т., 2015.
4. Пиаже Жан. «Избранные психологические труды»// Жан Пиаже. - Москва: Международная педагогическая академия, 1994.- 680.
5. Эльконин Д.Б. «Психология игры». Москва, 1998.